

7- мавзу: Ўқитувчи меҳнатини илмий асосда ташкил этиш. Ўқитувчининг таълим жараёнини ташкил этиш технологияси ва маҳорати.

Режа:

- 1. Педагогнинг инновацион фаолияти**
- 2. фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда инновацион фаолиятни ташкил этиш**



- Пифагор (VI в. до н. э.) түғри ва самарали таълим жараёни ўқитувчи ва ўқувчининг ҳар бирининг хоҳишига асосангина ташкил қилиниши керак.
- Демокрит (460—370 до н. э.) ақлий салоҳиятни шакллантиришга алоҳида эътибор билан қараган, яхши ўқитувчи ўқувчида номаълум нарсалар моҳиятини англашга бўлган қизиқиши ривожлантириш позим, болаларда бурч ва масъулият ҳиссинитарбиялаши керак, деб айтган.
- Сүкрот (470/469 – 399 до н. э.) ўз ўзини англашни инсон қобилиятларини рӯёбга чиқаришнинг энганиқ йўли деб билган. Унинг таълим ва тарбиядаги энг муҳим кашфиёти – “майевтика” ҳисобланади. Унда диалектик баҳс жараёнида ўқитувчининг мақсадли қўйилган саволлари орқали «ҳақиқат»га эришиллади.
- Платон (427–347 до н. э.) эса эстетик тарбияга алоҳида аҳамият берган. Эстетик тарбияда музика, шеърият, рақс, ўйинлар болада ижодийликни ривожлантирувчи омиллар эканлиги таъкидлаган.
- Сенека (4 до н. э. — 65 н. э.) таълим энг аввало мустақил фикрлашга қодир бўлган инсоннитарбиялаши позим деб ҳисоблаган. Шу боис, у «ўқувчининг хотираси эмас, балки унинг ўзи гапириши позим», деб айтган.
- Квинтилиан (42 — ок. 118) таълим беришда маҳсус ташкил этилган мактабларни ёқлаб чиқсан, унинг фикрига кўра мана шундай таълим жараёнида «рақобат» мавжуд бўлиб, бундай рақобат истиқбол ютуқлар омили эканлиги кўрсатилган. Шунингдек, олим риторикада ўқитувчига баъзан атайлаб «хато» сўзлашни буюрган, мазкур хатоларни топишга ўқувчилар дикқатини қаратган.

- Мишель Монтень (1533—1592) кўпроқ ўқувчилар гапириши, ўқитувчи эса кўпроқ эшитиши лозим, деб хисоблаган. Ўкувчиларни атроф мухит ва ундағы ҳодисаларга зътиборли бўлишга чақирган, ҳар бир ахборотни синаб кўриш, ахборотларга кўр кўrona ишонавермасликка унданған. Унинг фикрига кўра педагогикада авторитетлар мавжуд эмас.
- Рене Декарт (1596—1650) ўқувчиларни максимал дарежада мустақил фикр қилишга чақирган.
- Ян Амос Коменский (1592—1670) ўзининг «Буюк дидактика» эсарида болани ўқитиш ва тарбиялаш унинг миясига ранг-баранг муаллифларнинг сўзлари, фикрлари, қараашлари, айтган гапларидан иборат бўлган маълумотларни мажбурий киритиш эмас, балки болада барча нарса ва ҳодисаларни энглаш қобилиятини шакллантириш эканлигини устиради. Шу боис, олим оламга бошқаларнинг "кўзи" билан қараашга ўргатувчи, бошқалар ақли билан яшашга ўргатувчи тизимларини танқид остига олади.
- Ж.-Ж. Руссо (1712—1778) болаларда ўзига хос англаш, кўриш ва хис қилиш усули мавжудлиги ҳақида сўзлайди ҳамда мана шу болалар усулини катталар усули билан алмаштирилишига қарши чиқади. Олим, «агар ўқитувчи боланинг сайи-ҳаракатларига сўзсиз бошқарувчилик қилаётган бўлса, боланинг боши унга керак бўлмай қолади», дейди. Таълимнинг мақсади, унинг фикрига кўра, билимларни кўр-кўrona бериш эмас, балки болани зарур бўлганда мана шу билимларни топишга ўргатишидир.
- И. Г. Песталоцци (1746—1823) инсоннинг ўзига хос индивидуал хислатлари билан боғлик ҳолда таълим ва тарбия жаёнини ташкил қилинишини ёқлаб чиқсан, таълим инсонни фикрлашга ўргатиши лозим, деб хисоблаган, таълим боладали мавжуд имкониятларни рўёбга чиқэриши тарафдори бўлган, мазкур имкониятларни ўлдирилишига қарши чиқсан.
- А. Дистервег (1790—1866) эса ўқитувчи болани ўқишига ва билим олишига ундаши ва ўргатиши эмас, балки унинг ҳаётий фаолиятини ташкиллаштириш лозим деб хисоблаган.
- Дж. Дьюи (1859—1952) «прогрессив» концепциянинг муаллифи сифатида таълим ёшларнинг фәоллигини ривожлантирувчи омил бўлиб хизмат қилиши лозим, деб айтган. Ахборотнинг узатилишини эса фикрлаш қобилиятини ўстирувчи восита деб билган, шу боис, ахборот ёшлар унга муҳтоҷ бўлган вактдагина узатилиши лозим деб айтган.




Ян Амос Коменский
(1592-1670)
Чех педагоги ва
файлласуфи

Я.А.Коменскийнинг дидактик тизими ўта гуманистик бўлиб, билим бериш ва билим олиш жараёнини бошқариш ўқитувчилар томонидан амалга оширилади дейилгани билан, билим олиш тўла талабалар ихтиёрида бўлиши керак, деб ҳисоблаган. Яъни , талабалар билим олгилари келсагина, уларга билим бериш лозим.



Иоганн Фридрих Гербарт.
(1776-1841 й.)
немис психологи ва
педагоги

И.Ф. Гербартнинг фикри бўйича, мактабнинг асосий вазифаси ўқувчиларни ақлий ривожлантириш, яъни уларга билим беришдан иборат бўлмоғи лозим. Ахлоқий тарбиянинг барча масалаларини оила ҳал қилиши керак.



Джон Дьюи
(1859-1952)

ХХ аср бошларида америкалик файласуф, психолог ва педагог Джон Дьюи дарсда ўқитувчи эмас, ўқувчи фаол бўлмоғи лозим деб чиқди. У китобдаги билимларни қуруқ ёд олиш ҳеч нарсага олиб бормайди, аксинча, ўқувчиларни ўқишдан совутиб, тафаккурини занглатади деб таъкидлаган. Дьюининг таълим тарбияга қўшган асосий ҳиссаси – бу “акл юритишнинг тўлиқ жараёни”дир.

Нималарга
үқитиш?

Нима учун
үқитиш?

Қандай
үқитиш?

Қандай қилиб
натижага
эришиш?

Педагогик инновация –
үқитиш жараёнини
ривожлантирувчи ва
унинг натижалилигини
таъминловчи таълим
тизимидаги ҳар қандай
янгилик

Педагогик инновацион
фаолият
– таълим жараёни
мақсадлари, мазмуни,
методлари, шакллари,
воситалари,
технологиялари,
менежменти ва
ташкилий
масалаларидаги ҳар
қандай замонавий
ўзгаришлардир.

Ижтимоий-
иқтисодий

Педагогик-
психологик


Ташкилий-
бошқарув

Педагогик инновациянинг
уч асоси –

Инновацион педагогика – педагогик технологияларни мунтазам такомиллаштириш жараёни, педагогик таълим мазмунини бойитиш, мазкур мақсадга педагогик методлар, воситалар ва услубларни максимал даражада таълим жараёнида қўллашдир.

Инновацион педагогика – таълим тизимида ҳар қандай ижобий натижаликка олиб келувчи янги тизимлар ва йўналишлар бўлиб, уларни сифатли ва охирги маҳсулотни ишлаб чиқаришга сафарбар этишдир.





Ўқитувчининг педагогик жараёндаги асосий вазифаси

-БОШҚАРУВЧИЛИК

- Ўқитувчи шахс ва жамоанинг
шаклланиши, ривожланиши, билим
олиши, тарбияланиши жараёнини
бошқаради.**

БОШҚАРИШ - йўналтириш, вазифа қўйиш, ўргатиш,
ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш;

маслаҳат бериш, раҳбарлик қилиш,
кузатиш, талаб қилиш, кўрсатма бериш;
рағбатлантириш, баҳолаш.

Педагогик технологиянинг методологик сифатларидан бири бошқарувчанликдир.

- **Бошқарувчанлик:**
- мақсадлар қўйиш;
- режалаштириш;
- ўқитиш жараёнини лойихалаш;
- қадам бақадам ташхис қўйиш;
- натижага тузатиш киритиш мақсадида восита ва методларни ўзгартириш.